

Ўзбекистон Миллий Паралимпия Қўмитаси
раиси ўринбосари, харид комиссияси раиси



О.М.Эргашев

«27» июнь 2022 йил

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

"Ўқув адабиётларини яратиш ва чоп этиш" бўйича
энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур ҳужжат "Ўқув адабиётлари, дарсликлар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш" учун Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш (кейинги ўринларда танлаш деб юритилади), жумладан танлаш таклифларини бериш, уни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва баҳолаш, танлов натижалари бўйича шартнома тузиш тартибини белгилайди.

1.2. "Ўқув адабиётлари, дарсликлар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш" бўйича Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Конуни талаблари асосида ўтказилади.

2. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

2.1. Танлаш иштирокчилари (мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган ишларни бажариш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар)нинг таклифлари рақамланган, муҳр қўйилган ва талабгорнинг ваколатли шахсининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ҳужжатлар электрон тарзида маҳсус ахборот портали орқали тақдим этилади. Унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлар инобатга олинади.

2.2. Танлов талабори битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

2.3. Танлов талабори тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

2.4. Танлов талабори тақдим этилган таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни ҷақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

2.5. Танловга таклифларни қабул қилиш эълонда кўрсатилган вақтда тутатилади.

3. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

3.1. Корхона тўғрисида умумий маълумотлар

3.2. Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар

3.3. Таклиф қилинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар

3.4. Ўқув адабиётларининг сигнал нусхаларини танлов якунига қадар буюртмачига тақдим этиш

4. Харид қилиш ҳужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан тушунтиришлар

4.1. Иштирокчилар харид қилиш ҳужжатлари ва танлаш юзасидан тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиши ҳақли ва тушунтириш бериш тўғрисида сўров келиб тушган санадан эътиборан икки

иш куни ичида, лекин таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга шакли билан бир хил шаклда жавоб тақдим этилади. Тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиш тугайдиган сана таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир кун олдинги кун хисобланади.

5.Иштирокчани танлашда иштирок этишдан четлатиш шартлари.

5.1. Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчани танлашда иштирок этишдан четлатади, агар:

У тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса; ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса; иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, карор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўtkазиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

6.Танлаш предмети

6.1. "Ўқув адабиётлари, дарсликлар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш" бўйича хизмат.

6.2. "Ўқув адабиётлари, дарсликлар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш" бўйича хизматларини бажариш учун тақдим этиладиган максимал нарх ҚҚСиз жами: 391 304 347,83 сум, (ҚҚС билан) жами: 450 000 000 сўм.

№	Ўқув адабиёти номи	Нусхаси	Нархи (ҚҚС билан)	Жами сумма (ҚҚС билан)
1	Подготовка и издании учебно-методического пособия по подготовке спортсменов-паралимпийцев по легкой атлетике с переводом на узбекский язык (латинская графика)	500	180000	90 000 000,00
2	Подготовка и издании учебно-методического пособия по подготовке спортсменов-паралимпийцев по дзюдо с переводом на узбекский язык (латинская графика)	500	180000	90 000 000,00
3	Подготовка и издании учебно-методического пособия по подготовке спортсменов-паралимпийцев по тхэквондо с переводом на узбекский язык (латинская графика)	500	180000	90 000 000,00
4	Подготовка и издании учебно-методического пособия по подготовке спортсменов-паралимпийцев по пауэрлифтингу с переводом на узбекский язык (латинская графика)	500	180000	90 000 000,00
5	Подготовка и издании учебно-методического пособия по подготовке спортсменов-паралимпийцев по плаванию с переводом на узбекский язык (латинская графика)	500	180000	90 000 000,00
ЖАМИ:				450 000 000,00

7. Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот

7.1. Буюртмачи – Ўзбекистон Миллий Паралимпия Қўмитаси;
Манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Беш-ёғоч кўчаси 126-уй.
Тел: +99899 821 00 12 (09:00 дан 18:00 гача)

7.2. Танлаш Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Беш-ёғоч кўчаси 126-уй манзилида эълон муддати тугаган кундан бошлаб бир иш кунидан кейинги кун (шанба, якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади) соат 15:00да ўтказилади. Танлаш харид комиссияси аъзолари томонидан масофавий электрон тарзида балл бериш билан баҳоланади.

7.3. Хизматнинг муқобил варианtlари смета асосида.

7.4. Танловда иштирок этиш учун таклифлар ЎЗБЕК тилида бўлиши шарт.

8.Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари.

8.1. Ҳисоб-китоблар миллий валюта сўмда накд пулсиз ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади шунингдек, тўлов ва кафолатлар шартлари бўйича шартнома тузилгандан сўнг 3 иш кунида 30% олдиндан тўлов амалга оширилади, қолган 70% пул маблағлари иш якунлангандан сўнг 10 банк иш кунида тўлиқ ўтказиб берилади.

8.2. Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

8.3. Иштирокчи танлашда ғолиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

9.Танлов иштирокчиларининг баҳолаш мезони

Мазкур мезон Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ 684-сон “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги қонунга асосан ишлаб чиқилган.

Баҳолаш мезони Буюртмачи томонидан Танловга кўйилган хизматни бажариш мақсадида иштирок этиш истагини билдирган муносиб номзодларни танлаб олишини белгилайди.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни (ишни сифатли ўз вактида, реал бажариш)ни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган харид қилиш тартиб тамоилини амалга оширишнинг тури тушинилади.

Иштирокчилар қўйидаги хужжатларни электрон тарзида тегишли танлов портали орқали тақдим этишлари лозим.

1. Номзод хўжалик юрутувчи субъектнинг Устави нусхаси.
2. Гувохнома нусхаси.
3. Танлов комиссия раиси номига танловда иштирок этиш бўйича мурожаат хати (*фирменный бланка*).
4. Кафолат хати.
5. Танлов иштирокчиси шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, базаси борлиги хақида ташкилотга тегишлилиги хақида маълумот.
6. Карататека -2 да қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот
7. Кадрларга оид ва бошқа ресурсларнинг борлиги, шунингдек ишчиларнинг 3 йилдан кам бўлмаган стажга эга эканлиги хақида маълумот (мехнат дафтарча нусхаси)
8. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги
9. Ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги
10. Лицензияси мавжудлиги (Агар лицензиялаш талаб этилган бўлса)
11. Тижорат таклифида ҚҚС бор йўқлиги тўлиқ кўрсатилиши лозим.
12. Ишни бажариш учун смета хужжатлари (оферта)
13. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий, тўлиқ маълумот
14. Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (тасдиқловчи хужжатларни тақдим қилган ҳолда) ваколатли орган томонидан тасдиқланган.

Тақдим этилиши лозим бўлган хужжатларнинг тақдим этилмаган тақдирда номзодга кейинги босқичга ўтишга рухсат берилмайди.

Йиғма жилдер таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлов ғолибини аниқлаш ёпик йиғилишларда амалга оширилади. Танлов таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайды, қонунчиликда назарда тутилган холлар бундан мустасно.

Таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари очилган кундан этборан узоги билан 3 кунни ташкил этади.

Танлов комиссияси 1-ийғма жилд хужжатларини очади, таклифларни түғри тўлдирилганлиги, имзолангандиги ва умумий холати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини баҳолаш амалга оширади.

Танлов комиссияси ички конверти (2-ийғма жилд хужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказади, ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қиласди.

Малака танловидан ўтган номзодларнинг тақдим этилган хужжатлари қуийдаги тартибда баҳоланади.

Корхона тўғрисида умумий маълумотлар - 20 баллгача

Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар - 20 балгача

Таклиф қилинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар - 20 балгача

Ўқув адабиётларининг сигнал нусхаларини танлов якунига қадар буюртмачига тақдим этиш - 20 балгача

Таклиф этилган нархнинг арzonлиги қиймати -20 баллгача

Танлов комиссиясининг барча қарорлари балл билан қабул қилинади, баллар тенг бўлганда комиссия раисининг балли хал қилувчи хисобланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган холда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга хақли.


Танлов комиссияси танлов хужжатлари талабларидан таклифдаги ахамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка хақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

Танлов комиссиясининг хар бир йиғилишида баённома юритилади.

Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомада қайт этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

Танлов комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гурухларини тузиш мумкин. Баҳолаш гурухларининг таркибига танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультатлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин.

Комиссия аъзоси


Н.М.Худойқулов

Комиссия аъзоси


О.Т.Шодиев

Комиссия аъзоси


Ш.Ф.Нажмиддинов

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи

Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми

Манзили ва телефон (факс) рақами

Юридик мақоми

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқрақами)

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича)

Рахбар ва унинг ўринбосарлари:

T/p	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (Лойиха бош мухандиси, Лойиха бош архитектори)

T/p	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

(танлов иштирокчисининг номи)

АКТИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й	ПАССИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й
Узок муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Уставфонди			
Шундан				Тақсимланмаган фойда			
Ишлаб чиқариш фондлари							
Қолдиқ қиймат				Мажбуриятлар			
Капитал құйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан ишҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бүйича				Жами баланс пассиви бүйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бүйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи				Умумхўжалик фаолият бүйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиги тўловигача фойда				11. Зарар шундан асосий фаолиятдан			
7. Даромад солиги				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятынни юзасидан суд иши олиб борилганми?

Рахбар _____

Бош хисобчи _____

мухр

Сана: « ____ » 20__ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хуносасини тақдим этиши мумкин. Баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботлар(3 йиллик) ҳамда талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека K-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ тўловчининг *my.soliq.uz* порталидан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида QR-кодли маълумотномалар тақдим этиши шарт.

3 - ШАКЛ

ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

(танлов иштирокчисининг номи)

T /p	Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				20__ й.	20__ й.	20__ й.
	Жами:					

Ташкилотраҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ ____ ” 20 __ й.

Тасдиқланган: _____
(бош ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар танлов иштирокчиси томонидан ҳар бир обьект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари нусхалари билан тасдиқланади.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ**

T/ р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник холати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
Ҳаммаси							

Ташкилотраҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ ____ ” 20 __ й.

Изоҳлар:

- 1.8 устунга офис техникасининг танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганилиги тўғрисидаги маълумот киритилади.
2. Ижарагатехника олингандা ижара шарноманинг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажарии даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**Ўзбекистон Миллий Паралимпия Қўмитаси
(буюртмачининг номи)**

**Ўқув адабиётлари, дарслклар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш бўйича ишларни
бажариш тижорат таклифи**

**"Ўқув адабиётлари, дарслклар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш"
(объект номи)**

1. Биз, қуйида имзо чекувчилар, юкорида айтилган ишларни бажариш майдончасини кўздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат танлов хужжатларини ўрганиб, юкорида кўрсатилган хужжатларга мувофиқ

(рақамда ва ёзув билан сумма, қўшилган қиймат солиги билан)

сўмга айтилган барча ишларни (ишларнинг камидаги 50 %ини ўз кучимиз билан) бажариш ва якунлашни ҳамда улардаги топилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатишни таклиф этамиз.

2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган ҳолда, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан _____ (сўз билан) **кун** мобайнида уларни якунлаш мажбуриятини оламиз.

3. Бизнинг таклифимиз танлов таклифлари очилган кундан бошлаб _____ (рақам ва ёзув билан) календар кун мобайнида амал қиласди.

4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги Биз олган хабарнома, Бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклашини ва Биз унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.

6. Буюртмачи ва танлов комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.

7. Танловиширокчиларига жўнатилган хабарномалар Биз томондан ҳисобга олинган.

8. Ишларни бажариш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаймиз.

9. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни танлов комиссиясининг мажлислари баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

10. Шартнома мажбурияtlарини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини, ҳар ойнинг 2 санасига қадартақдим этиб бориш кафолатини берамиз.

Ташкилотраҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” 20 ____ й.

ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ**"Үқув адабиётлари, дарсликлар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш "***(объект номи)*

T/p	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1			
2			
3			
4			

Изоҳ: Жадвалда ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажарии муддатлари кўрсатилади.

Ташкилотраҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” 20 ____ й.

БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРГА КАЛЬКУЛЯЦИЯ (ОФЕРТА)

"Үқув адабиётлари, дарсликлар, услугубий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш "

(объект номи)

Изоҳ: Уибу шакл тарабкор ташкилот томонидан ихтиёрий шаклда тақдим этилади.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ ____ ” ____ 20 ____ й.

**ТАНЛОВ
ХУЖЖАТИНИНГ
ТЕХНИК ҚИСМИ**

**"Ўқув адабиётлари, дарсликлар, услугбий қўлланмаларни яратиш ва чоп этиш"
(ОБЪЕКТ НОМИ)**

2022 йил.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

I. БҮЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

1.1. Буюртмачининг бошлангич нархи Танлов Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

II. БҮЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ИШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУДДАТИ

2.1. Ўкув адабиётларини яратиш ва чоп этиш бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа ҳолат айтилмаган бўлса): бўнак (аванс) – Танлов натижаларига кўра аниқланган, лойиха ташкилотижорий йилидаги ишлар қийматининг 30 фоизи микдорида; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизи микдорида;

4.2. Кейинги йилга ўтадиган объекtlар бўйича танлов ўтказилганда, буюртмачи томонидан жорий йилда ТАЖда кўрсатилган микдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

4.3. Тўловлар Буюртмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.4. Ишларни бажариш бўйича шартномаси қуидаги тартибот ҳужжатларига жавоб берини керак: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳукукий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига.

V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – **ўзбек сўмида**.

ШАРТНОМА №

Тошкент шаҳри

2022 йил “ ”

Кейинги ўринларда номидан асосида иш юритувчи бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) хамда Ўзбекистон Миллий Паралимпия Кўмитаси номидан низом асосида иш юритувчи раис ўринбосари О.Эргашев, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) қўйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

“Бажарувчи” ушбу Шартнома шартларига мувофиқ “Ўқув адабиётлари, дарслеклар, услубий кўлланмаларни яратиш ва чоп этиш” ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Бажарувчи”га бажарилган ишларни кабул килиш ва туловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат қўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қўйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

1.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ қўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ қўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

1.2. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда қўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

1.3. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириқка биноан хизматларни белгиланган муддат, микдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат қўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг баҳоси сўм, КҚС сиз ташкил этади.

2.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фойзи () сўм микдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

2.3. Ишлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

3.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужоатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. Шартномани бажариш ишлари 20 иш кунини ташкил этади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб варак-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

3.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топширикка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

3.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган ишлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган ишлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

3.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзgartiriшга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.3. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқиласdi.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

4.4. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужоатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташкари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий ҳарактердаги қарорлар томонларнинг шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг таҳминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши

шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

6.3. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.4. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлади.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совгалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усууллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан тъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқланунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини тъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича

тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатладилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Ўз.Р. Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.3. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

9.4. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

9.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9.6. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

БАЖАРУВЧИ

БУЮРТМАЧИ

Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси
Манзил: Тошкент шаҳар Чилонзор тум.
Беш-ёғоч кўчаси 126
АТИБ “ИпотекаБанк” Мехнат филиали
Х/р: 20210000003988412001
Мфо:00423
ИНН:202761186



**Коррупцияга қарши қурашиш бўйича
АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда куйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали (@anticorbot);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтид ажойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “яrim қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

_____ / _____ / _____

Буюртмачи:



О.Эргашев